

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 758-ҳадис

758 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَصْعَةٌ يُقَالُ لَهَا: الْعَرَاءُ، يَحْمِلُهَا أَرْبَعَةُ رِجَالٍ، فَلَمَّا أَضْحَوْا وَسَجَدُوا الصُّحَى أُتِيَ بِتِلْكَ الْقَصْعَةِ - يَغْنِي وَقَدْ تُرِدَ فِيهَا - فَالتَفُّوا عَلَيْهَا، فَلَمَّا كَثُرُوا جِئَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ أَعْرَابِيٌّ: مَا هَذِهِ الْجِلْسَةُ؟! قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ جَعَلَنِي عَبْدًا كَرِيمًا، وَلَمْ يَجْعَلْنِي جَبَّارًا عَنِيدًا، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُلُّوا مِنْ حَوَالِيهَا، وَدَعُّوا ذُرْوَتَهَا يُبَارِكُ فِيهَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ جَيِّدٍ [3773].

«ذُرْوَتَهَا» أَعْلَاهَا: بِكَسْرِ الدَّالِ وَضَمِّهَا.

758. Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳумо айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўрт киши кўтарадиган ғарро деган лаганлари бор эди. Тонг отиб, зуҳо намозини ўқишгач, ўша лаганни олиб келишди. - Унда сарид* тайёрланган эди - Ҳамма лаганнинг атрофига ўтирди. Одам кўпайиб кетгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (жой торлигидан) чўккалаб ўтириб олдилар. Шунда бир аъробий: «Бу қандай ўтириш?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳ мени карамли қул қилиб яратди, дилозор, қайсар қилмади**», дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Тепасини қўйиб, атрофидан энглар, барака бўлади**», дедилар».

Абу Довуд яхши иснод билан ривоят қилдилар.

Шарҳ: Сарид - тўғралган гўшт титилиб кетгунча қайнатиб, сўнг нон тўғраб тайёрланадиган таом. Сарид ўша пайтларда энг тотли ва фойдали, тансиқ таом бўлган.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган хулосалар:

1. Баъзи идишларга ном қўйиш одати ҳам бўлгани.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг катта лаганларининг «Ғарро» деб аталиши шунга далилдир. Ўша тўрт киши кўтарадиган катта лаган оппоқ бўлгани учун шу ном билан аталган экан.

2. Чошгоҳ намозини ўқиш яхши иш экани.

3. Таом келтириб қўйилгандан сўнг кўпчилик бўлса, лаган атрофига ўтириш одоб доирасидаги ишлардан экани.

4. Таом атрофида одам кўпайиб кетса, тиз чўкиб ўтириб бўлса ҳам бошқаларга жой бериш кераклиги.

5. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўта мутавозеъ зот бўлганлари.

6. «Аллоҳ мени карамли қул қилиб яратди, дилозор, қайсар қилмади».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларида улкан маъно ётганлигини ҳеч унутмаслигимиз керак.

7. Кўпчилик бир лагандан таом еганда унинг атрофидан, ҳамма ўз олдидан, Аллоҳнинг исмини айтиб емоғлиги кераклиги.

8. Исломиё одобларга риоя қилиб тановул қилинган таом баракали бўлиши.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI